

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 40 (9.843)

2003 ЙИЛ 27 ФЕВРАЛЬ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Қайд этиб ўтилсинки, республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи умуман муваффақиятли амалга оширилмоқда. Кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам тизими — Республика шошилини тиббий ёрдам маркази, вилоят марказлари ва туман марказий шифохоналарида ихтисослаштирилган бўлимлар тuzилган бўлиб, улар аҳолига тезкор бепул шошилини тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминламоқда.

Кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам муассасалари замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Шифокорларнинг малакаси ҳамда замонавий тиббий техника билан жиҳозлашни ҳисобга олган ҳолда кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам тизими шифокорлари ҳамда тиббиёт ходимларининг меҳнатини ташкил этиш ва моддий рағбатлантириш тизими муттасил тақомиллаштириб борилмоқда.

Аҳолига, энг аввало қишлоқ жойлардаги аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими ислоҳ қилинмоқда. Республиканинг барча туманларида замонавий тиббий ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, республикада юксак жаҳон талаблари даражасидаги юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий марказларни шакллантириш, илгор тиббий технологияларни кенг жорий этишнинг ташкилий, молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини вужудга келтириш мақсадида:

1. Илгор чет эл тажрибасини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож беморларни қабул қилувчи ҳамда замонавий ташхис ва даволаш тиббий ускуналаридан фойдаланиб даволайдиган махсус клиникалар ва тиббий марказларни ташкил этиш Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш иккинчи босқичининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, махсус клиникалар ва тиббий марказлар, қоида тариқасида, қуйидаги талабларга мос келиши лозим:

яъни тайёргарлик қўлган ва ўз тиббиёт соҳасида тан олинган ҳамда юксак обрў-эътибор қозongan шифокор-мутахассисларга эга бўлиш;

юқори технологияли ташхис ва даволаш тиббий ускуналари билан жиҳозланган замонавий моддий-техника базасига эга бўлиш;

ўз тиббий амалиётида юксак жаҳон талабларига мос келадиган даволаш ва ташхиснинг мураккаб усулларини жорий этиш ҳамда кенг қўллаш.

(Давоми 2-бетда)

Шаҳримиздаги «TUFIN» Ўзбекистон — Исроил қўшма корхонасининг аҳил жамоаси баракали меҳнати билан нафақат пойтахтимиз, балки бутун республикада аҳолиси дастурхонини корхонадаги тўла қувват билан ишлаётган замонавий хорижий линияларда тайёрланган турли-туман ширинлик маҳсулотлари билан беэмоқда.



СУРАТЛАРДА: (юқорида) корхона илгорларидан Шаҳноза Раҳмонова ва (пастда) кадоқлаш участкасидаги иш жараёни тасвирланган.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгилıklar, воқеалар

ҚИСҚА сатрларда

□ «Экосан» халқаро жамғармаси ташаббуси билан бугун Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига «Халқаро сув йили» ҳамда «Обод маҳалла йили» муносабати билан «Сув — ҳаёт» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

□ Бугун «Тошкент» теннис мажмуасида «Ўзбекистон теннис юлдузлари — болалар учун» теннис байрами

бўлиб ўтди. Тадбирда пойтахтимиздаги теннис клубларида шуғулланувчи ёшлар кортга тушадилар ва улар махсус дипломлар ва асдалик совғалари билан тақдирланди.

□ Кеча Тошкент давлат юридик институтига «Фуқаролик жамияти ёшлар тасаввурида» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимилиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Мазкур меморандум миссия томонидан олинган асосий маълумотларга яқун ясади. Ўтказилган мунозаралар натижасида лойиҳа вазифалари ва қўламини, шунингдек, ушбу лойиҳани амалга ошириш чора-тадбирлари бўйича шартнома тuzилди. Ўзбекистонда монополияга қарши тартибга солишнинг қўнуччилик базиси ва ракобат сиестасини тақомиллаштириш учун халқаро ҳамда маҳаллий маслаҳатчиларни жалб қилиш қўлаётган техник ёрдам доирасида фаолиятни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади. Шунингдек, бу борада қўмита ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ходимларининг талама ҳамда қўнимчаларини ошириш учун тренинглар, семинарлар, конференциялар ташкил этиш, қўмитанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳам қўзда тутилган.

(ЎЗА)

XXI сағоси

Барча мавбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан Бахтиёр Джумабаевич Субанов Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири этиб тайинланди.

● Республикада вилоятларида фаолият кўрсатаётган 50 нафар ўқитувчи 2000 доллар миқдоридagi компьютер ускуналарини олади. Таълим ва инглиз тилини ўқиш масалалари бўйича Америка қўмитаси (АКСЕЛС) инглиз тилини яхши ўқитиш ва мамлакатни ўрганишни (TEA program) рағбатлантириш дастури бўйича ярим финалчиларни аниқлади. Мукофотлар миллий таълим марказида топширилди.

● Бугун Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ташкилотчилигида Наврўз байрамига бағишланган «Ташаббус-2003» энг яхши тадбиркор ва хунарманд тандолининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

● Навоий шаҳрида Обод маҳалла йили муносабати билан «Менинг маҳаллам» номили кўрик-танлов бошланди. У тўрт босқичда давом этади.

● Жиззах вилоятининг туманларида ерларни тендер танловлари асосида тақсимлаш ишлари давом этмоқда.

● Бухорода Халқаро кураш академиясининг Халқаро кураш ва Ўзбекистон спорти истибқолининг тиббий-биологик ва психофизиологик муаммолари илмий маркази иш бошлади.

● Бугун республикада пойтахтида вақти-вақти билан ёмғир ёғди. Қундузи ҳаво ҳарорати 4-6 даража илқ бўлди.

Жаҳонда

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан Афина шаҳрида Кипрни қайта қўшиш масаласи бўйича қарор қабул қилишнинг энг сўнгги муддати келганлигини таъкидлади.

● Норвегия Нобель мукофоти қўмитасига янги раҳбар тайинланди. Эндиганда унга Тромсо университетининг профессори Оле Данболт Мьёс раислик қилди.

● НАСА мутахассислари «Колумбия» космик кемаси экипажи ҳаётининг сўнгги дақиқалари ёзилган видеокассетани топишди. Унда астронавтларнинг қўнишга тайёргарлик кўраётгани ва сўхбатлашишга тгани акс этган.

● Саудия Арабистони ички ишлар вазири шаҳзода Найф бин Абдулазининг маълум қилишича, Макка шаҳрида етти нафар ўсмир «Ал-қоида» ташкилотига алоқадорликда гумон қилиниб ҳибсга олинган.

● Америка Қўшма Штатлари Қозогистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти (WTO)га киришига ҳали вақт эрта деб ҳисобламоқда.

● «The Wall Street Journal» журнали 2002-2003 йилларнинг энг қimmat автомобильлари рўйхатини эълон қилди. Унга кўра нархи 750 миң долларни ташкил этган Италиянинг «Bugatti Veuron» русумли автомобили жаҳоннинг энг қimmat автоулови дея эътироф этилди.

Янги лойиҳалар тайёрланмоқда

Мамлакатимизга Осиё тараққиёт банкининг маслаҳат миссияси ташриф буюрди. Ушбу ташриф корпоратив бошқаришни ислоҳ қилиш, хусусийлаштирилган корхоналарга ёрдам бериш бўйича қарз лойиҳасини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитасини тuzилмавий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда капитал бозорини ривожлантиришга техник қўмаклашиш лойиҳаларини тайёрлашга қаратилган.

Миссия вакиллари Монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раҳбарияти ва техник ходимлари билан қатор самарали учрашувларни ўтказди. Ушбу учрашувлар давомида тақлиф этилаётган лойиҳа билан боғлиқ асосий масалалар муҳокама этилди. Мазкур лойиҳада қўмитанинг корхоналарни реструктуризация қилиш ва хусусийлаштириш, хусусий тармақни ривожлантиришга доир давлат дастурини амалга ошириш борасидаги фаолияти-

ни тақомиллаштириш қўзда тутилган.

Осиё тараққиёт банки мутахассислари иштирокида ўтказилган учрашувлар ва музокаравлар натижасида 2003 йилнинг 21 февралда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Осиё тараққиёт банки раҳбарияти ўртасида қўмитани тuzилмавий жиҳатдан мустаҳкамлашга техник қўмаклашиш масаласи бўйича Ҳазоранглашув тўғрисидаги меморандум имзоланди.

2001 йилнинг сентябр ойида Вазирлар Маҳкамасининг Чимён-Чорвоқ курорт худудининг табиий бойликларини асраш ва бу ерда соғломлаштириш, дам олиш тизимини ривожлантириш тўғрисидаги махсус қарори қабул қилинган эди.

«Чорвоқ» дам олиш мавсумига ҳозирланмоқда

Бўстонлик туманида бўлиб ўтган ҳукумат комиссиясининг йиғилишида ана шу масала атрофлича муҳокама этилди. Унда мазкур соҳага алоқадор вазирлик ва идоралар, уюшмалар, қорхона ҳамда худудий бошқарув органлари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Маълумки, Чимён-Чорвоқ минтақаси ўзининг табиий иқлим шароитига кўра курорт ва дам олиш мақсадлари учун жуда қулай бўлиб, махсус муҳофаза этиладиган табиий худудлар тизимига киритилган. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан бу ерда бошланган улкан бунёдкорлик ишлари қизгин давом этмоқда. Энг аввало, Фазалкент-Чорвоқ-Бақачўл магистрал канализация қўлқатори, оқова сувлар учун насос станцияларининг қурилиши, Чирчиқ тозалаш иншоотининг кенгайтирилиши ушбу хушманзара масканни тоза сақлаш, ана-табиат мусаффолигини таъминлашда ўзига хос омил бўлиб хизмат қилади.

Худудда ўтган йилнинг декабрь ойида «Чорвоқ» соғломлаштириш марказининг биринчи навбати фойдаланишга топширилган эди. Бу ерда уч юлдузли уч меҳмонхона, иккита пансионат, кичик станциялар, ёзги чўмилиш ҳавзаси ҳам қурилди. Шу йилнинг январиде қуриб фойдаланишга топширилган «Металлург» пансионатида эса «Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг юз нафар ишчи-хизматчиси дам олиб қайтди. Шунингдек, Олмалик кон-металлургия комбинатига қарашли дам олиш ва соғломлаштириш маркази ҳам битиш арасида.

Бир сўз билан айтганда, Чорвоқ-Чимён худуди навбатдаги дам олиш мавсумига бошқача кўйфада ҳозирланмоқда. Бирок бу ерда нафақат айрим қорхона ва ташкилотлар ходимлари, балки барча юртдошларимиз хордиқ чиқариши учун ҳам етарли шарт-шароит яратилиши керак. Шу боисдан ҳам йиғилишда мавсум бошлангунча ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини жаддаллаштириш, шунингдек, ёзги меҳмонхона, ёзги кинотеатр, кафе ва рестороанларни, ижара пунктларини фойдаланишга топшириш лозимлиги ўқтириб ўтилди.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов иштирок этди.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг тажриба тарихида қўйидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги тақдир қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Урология илмий маркази негизда Республика ихтисослаштирилган урология маркази;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг академик В.Вохидов номидаги Жаррохлик илмий маркази негизда Республика ихтисослаштирилган жаррохлик маркази;

Тошкент шаҳридаги Тошкент вилоят кўз микрохирургияси маркази негизда Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази;

Кардиология илмий-тадқиқот институти ва Тошкент шаҳридаги 15-шаҳар клиник шифонаси негизда Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази.

4. Қўйидагилар ташкил этилаётган ихтисослаштирилган тиббий марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Марказ фаолиятининг тегишли соҳаси бўйича замонавий тахшиш усулларини жорий этиш ҳамда аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

мавжуд тиббий техника ва аппаратларнинг доимий янгиланиб ва замонавийлаштириб борилишини таъминлаш, марказни илгор жаҳон ютуқлари даражасида юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берадиган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

Марказнинг ўзини-ўзи молиялаш ва ўзини-ўзи қоплаш шартлари асосида фаолият кўрсатишини таъминлаш учун молиявий ва моддий-техникавий ресурсларни жалб этиш борасидаги менежмент ва маркетинг ишларини ташкил этиш;

Марказ тиббиёт ходимларининг, шу жумладан мутахассисларнинг етакчи хорижий тиббиёт ўқув муассасалари ва клиникаларда амалий малака ортиришларини ташкил этиш ҳисобига касб маҳоратини доимий ошириб бориш ва тақомиллаштириш;

беморларни даволашнинг ўз илгор усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда тиббий амалиётга жорий этишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш;

соҳага алоқадор илгор хорижий тиббиёт муассасалари ва марказлари билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда мустақамлаш, ахборот, тўпланган тажриба ва мутахассисларни кенг қўламда айри-бошлашни таъминлаш.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда:

давлат номидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги ҳамда Марказ Кенгаши тисмолида Марказнинг меҳнат жамоаси Республика ихтисослаштирилган тиббий марказларнинг муассислари ҳисобланадилар;

давлатга тегишли мулк ишончли бошқарув ҳуқуқи билан Марказнинг устав жамғармасига топширилади;

давлат томонидан мададга муҳтож бўлган шахслар (имтиёзли тоифадаги

шахслар)га давлат бюджети маблағлари ҳисобидан юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилади;

Марказнинг фаолияти давлат бюджети маблағлари, Марказнинг ўз даромадлари ва жалб этиладиган манбалар (грантлар, хомийларнинг маблағлари ва бошқалар) ҳисобига аралаш асосда молияланади. Бунда давлат бюджети маблағлари ҳар бир Марказга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали харажат моддалари бўйича тақсимланмаган ҳолда алоҳида сатр билан ажратилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йилги республика бюджетларини шакллантириш чоғида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2004 йилдан бошлаб Республика ихтисослаштирилган марказларининг узоғи билан 2008 йилда ўзини-ўзи молиялаш ва ўзини-ўзи қоплашга ўтишини назарда тутган ҳолда ушбу Марказларни сақлашга бюджет маблағларининг жорий харажатлари босқичма-босқич камайтириб борилишини кўзда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги Республика ихтисослаштирилган марказлари фаолиятининг натижаларини ҳисобга олган ҳолда 2006 йилнинг 1 январига бориб Марказларнинг устав жамғармасига топширилган давлат мулкини имтиёзли шартлар билан меҳнат жамоасига мулк сифатида сотиш тўғрисидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

8. Марказ меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши томонидан сайланадиган Марказ Кенгаши Республика ихтисослаштирилган тиббий марказининг юқори бошқарув органи деб ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

Кенгаш аъзолари ичидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тақдимномаси бўйича Ҳукумат қарори билан тайинланадиган директор Марказ Кенгашининг раиси ҳисобланади.

9. Марказларга қўйидаги ҳуқуқ берилсин:

Марказнинг устав жамғармасига топшириладиган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни бошқариш;

лавозимлар рўйхатини мустақил равишда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, Марказ ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларини бажариладиган ишларнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига нисбатан табақалаштирилган тарзда белгилаш.

10. Қўйидагилар тасдиқлансин:

Республика ихтисослаштирилган тиббий марказини барпо этиш ва унинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисида Низом;

Республика ихтисослаштирилган марказлари томонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахсларнинг рўйхати.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташкил қилинаётган ихтисослаштирилган марказлар билан биргаликда бир ой муддатда белгиланган тартибда қўйидагиларни ишлаб чиқиш, тасдиқласин:

тахшиш ва даволаш сифати стандартларига риоя этган ҳолда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам

кўрсатиш бўйича Республика марказлари томонидан аҳолига пулли хизмат кўрсатиш қоидалари;

Республика ихтисослаштирилган марказларини молиялаш тартиби ва манбалари тўғрисида Низом;

ихтисослаштирилган марказлар томонидан пулли тиббий ёрдам кўрсатиш учун тарифларни шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби;

имтиёзли тоифадаги беморларни даволаш ҳақини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлаш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Республика ихтисослаштирилган марказларнинг бюджет маблағларидан, тасдиқланган тарифлардан мақсадли ва қонуний фойдаланиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Республика ихтисослаштирилган марказларини даволаш ва тахшиш ускуналари, тиббиёт асбоблари билан жиҳозлаш нормативларини ишлаб чиқиш. Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин, ана шу нормативлар асосида 2003 йилдан бошлаб республика инвестиция дастурларида уларни замонавий тиббиёт ускуналари ва асбоблари билан тўлик таъминлаш учун зарур капитал маблағлар кўзда тутилсин.

13. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу Республика ихтисослаштирилган марказлари ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган тиббиёт ускуналари ва асбоблари учун 2003 йилнинг 1 мартидан то 2012 йилнинг 31 декабрга қадар 10 йил муддатга барча турдаги солиқлар, боғжона тўловлари (боғжона расмиyllаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинсин, бўшайдиган маблағлар Марказларни ривожлантириш ва жиҳозлашга мақсадли тарзда йўналтирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган марказлари ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда 2003 йилда амалга оширилаётган тажриба таҳлили натижалари бўйича Марказларнинг норматив базасини, улар фаолиятини ташкил этиш ва молиялаш тизимини янада тақомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аниқ тақлифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда мазкур Фармонни ижро этиш юзасидан Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

17. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ҳ. Султонов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри
2003 йил 26 февраль

Ғолиблик муборак, азиз ижодкорлар!

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, Бадий академия, Бастакорлар уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамкорликда эълон қилган «Қариялар — юрт кўрки, зийнати» танлови ниҳоясига етди:

«Энг яхши адабий асарлар»

Пиримқул Қодиров, «Она лочин видоси» тарихий романи
Шойим Бўтаев, «Шоҳона совға» қиссаси
Собир Унар, «Чавандознинг ори» эссеси

«Энг яхши санъат асарлари»

Икром Акбаров, «Нақшбандий» ораторияси ва «Жалолитдин Манғуберди» операси
Усмон Азим, «Бир қадам йўл» драмаси

Алишер Аликулов, Ўзбекистон тарихи давлат музейида яратилган «Темурийлар даври ренессанси» ва «Истиқлол фидойилари» диптих монументал асарлари

«Энг яхши публицистик асарлар»

Исмоил Сулаймонов/марҳум/, «Эл ардоғида» китоби
Маҳмуд Абдулфайз, Матбуотда эълон қилинган туркум мақолалари

«Соғлом авлод» газетаси, «Қариялар йили» мавзудаги материаллари учун мазкур танлов ғолиби деб топилди.

Маълум

Кутубхонада
электрон
каталог

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқув-моддий негизларини мустаҳкамлаш билан бирга уларнинг кутубхона жамғармаларини зарур адабиётлар билан таъминлаш тадбирлари кўрилади.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети ҳузурида фаолият кўрсатаётган академик лицейда ҳам, бу борада қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Билим даргоҳи кутубхонасида ҳозир 3700 нусхадан ортиқ дарслик, ўқув қўлланмалари бор. Болалар адабиётларига доир нашрлар ҳам анчагина.

Улар орасида Англиянинг Брунел университети орқали олинган инглиз тилидаги нашрлар ҳам эътиборни ўзига тортади. Улар маънавий ва маърифий аҳамияти билан ҳам қимматлидир. Бу каби ўқув адабиётларининг 40 таси видеокассета, 30 дан ортиги аудиокассета ҳолида китобхоналарга тақдим этилди.

Бундай бой манба лицейда ахборот технологияси марказини очиб имконини берди. Янги тузилган электрон каталог эса адабиётлардан унумли фойдаланиш имконини бермоқда.

Коллеж
университет
оталигида

Республикаимиздаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари турдош олий ўқув юртлири оталигида фаолият кўрсатиб келишмоқда.

Тошкент Давлат техника университети ҳам бу борада қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Мирзо Улугбек туманидаги санаот ишлаб чиқаришга ихтисослашган касб-хунар коллежи университети ёрдамидан жуда мамнун. Бу ерда амалий машғулотларни олиб бориш учун шарт-шароитлар ҳам университет ҳомийлигида яратилмоқда.

Олий ўқув юрти яна бир хайрли ишга қўл урди. Янги санаот дастгоҳи билан коллежни таъминлашни ўз зиммасига олди.

Шунингдек, унинг педагог-ўқитувчилари малакасини ошириш учун сарф этиладиган маблағ ҳам етказиб берилмаган бўлди.

Ақбар АЛИЕВ

Институтда
«Камолот»
ҳафталиги

Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкил этилганига ҳам 2 йил тўяпти. Шу муносабат билан шахримизнинг қатор масканларида «Камолот» ҳафталиги ўтказилмоқда.

Жумладан, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида ҳам «Камолот» ҳафталиги ўтказилди. Ҳафталик доирасида факультетлар ўртасида спорт мусобақалари, «Маънавий ва таълим» мавзусида иқтидорли талабаларнинг семинари, «Гийёвандлик—XXI аср вазоси» сингари давра суҳбатлари ўтказилди.

Шунингдек, «Еш истеъодлар саҳнада» деб номланган талабалар ўртасидаги қурик-танлов ҳам бўлиб ўтди. Ғолиблар аниқланиб, институтнинг фахрий ёрлиқлари ва махсус совғалари билан тақдирланди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

• ЖАҲОН ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ КУНИ ОЛДИДАН

Режали ишлар амалга
оширилмоқда

Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг оқибатини сақлаш ҳамда уларни турли фавқулодда ва техноген тусдаги вазиятлардан асраш мақсадида 1996 йилнинг 6 май кунин Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ташкил этилди.

Майяйн ҳудудда кишиларнинг ҳалок бўлиши, улар соғлиги ёки аτροφ-муҳитга зиён етиши, кишилар ҳаётига каттагина моддий зарар олиб келиши мумкин бўлган авария, ҳалокат, экологик офат, эпидемияларнинг олдини олишга, аҳолини хавфдан оғоҳ этишга бошқарма ходимлари ўзларини масъул ҳисоблашади.

Бошқарма ходимлари маҳаллаларда иш билан банд бўлмаган фуқаролар, ўқув муассасаларида таълим олаётган ўқувчилар, талабалар, турли корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган ишчилар ўртасида «Фуқаро муҳофазаси» мавзусида тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб бормоқдалар.

Бошқарма томонидан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, улардан аҳолини оғоҳ этиш, ташкилот ва корхоналарнинг мунтазам ишлашини таъминлаш борасида бир қатор режалар ишлаб чиқилди.

Ҳозирда Тошкент шаҳрида 449 та маҳалла, 397 та ширкат хўжалиги мавжуд. Маҳаллаларда иш билан банд бўлмаган аҳоли ҳам истикомат қилади. Улар билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрдаги «Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги қарорига асосан ўқув-амалий машғулоти ўтказилмоқда.

Зеро, фавқулодда вазиятлар ҳар дақиқада содир бўлиши мумкинлигини ҳисобга олсак, маҳаллада аҳоли тайёрлик даражасининг юқори бўлиши бундай ҳолатларнинг олдини олишда энг муҳим омил эканлиги намойён бўлади. Яъни фалокатдан оғоҳлик — ярим қўтаририлганлик демакдир.

Йил бошидан буюн Яқкасарой туманидаги «Конституция», «Дамарик», «Яқкасарой-1», Акмал Икромов туманидаги А. Хидоятлов маҳаллалари ва шу ҳудуддаги 106-ўрта мактаб, Бектемир туманидаги «Бинокор», Абай, «Маърифат» маҳаллалари ва шу ҳудуддаги 290-ўрта мактаб, Миробод туманидаги Шароф Рашидов, «Мингўриқ» маҳаллалари ва шу ҳудуддаги Тошкент автомобиль йўллари институти, тиббиёт коллежи талабалари, Мирзо Улугбек туманидаги Хамид Олимжон, «Салор», Сергели туманидаги «Иттифок», «Наврўз», Хамза туманидаги А. Назаров, Худойбердиев, Нодира, шунингдек Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманларидаги бир қатор маҳаллалар аҳолиси ўртасида халқ хўжалигида ишлаб чиқариш корхоналарини табиий ва техноген тусдаги фавқулоддаги вазиятлардан ҳимоя қилиш, рўй берадиган талофотларнинг олдини олиш, унинг оқибатларини бартараф этиш, ўзини ўзи муҳофаза қилишга ўргатиш, турар жой ва давлат моддий бойликларини муҳофаза этиш ҳамда авайлаб-асраш йўл-йўриқлари борасида бошқар-

манинг тажрибали ходимлари тушунтириш ишларини олиб бордилар.

Яқинда шаҳар Қизил ярим ой жамияти билан ҳамкорликда «Пилот» дастури асосида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари Собир Раҳимов туманидаги «Чуқурсой» станцияси ходимлари ва шу ҳудуддаги Иброҳим ота маҳалласи фуқаролари билан «Темир йўл станцияси аτροφидида фавқулодда вазият рўй берганда маҳалла аҳолисининг ҳаракати, тайёргарлиги» бўйича тактик ўқув машғулоти ўтказилди.

Режадаги тадбирлардан бири Собир Раҳимов, Миробод ва Мирзо Улугбек туманлари вакиллари, «Маҳалла» жамғармаси бўлимлари, маҳаллалар, ширкатлар раислари ва бошқа объектлар раҳбарлари билан биргаликда бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг маҳаллалар ва ширкатлар билан ишлаш бўлими Обод маҳалла йили муносабати билан пойтахтдаги маҳаллалар ва ширкатлар, иш билан банд бўлмаган аҳоли ва ўқув масканлари билан фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш, уларни чинқитириш мақсадида кўча ўқув амалий машғулотларини ҳам ўтказиб келмоқда.

Обод маҳалла йили муносабати билан 1 февралдан бошлаб, бошқармада иккита катта ўқутувчи ўрни жорий этилди. Ўқитувчилар маҳаллаларда иш билан банд бўлмаган аҳоли орасида фавқулодда вазиятларда қандай ҳаракат қилиш ва нималарга амал қилиш йўллари амалий-на-

зарий ўқув асосида олиб боради. Маҳалла оксқолларининг фуқаро муҳофазаси ёки фавқулодда вазиятларда қандай ҳаракатланиши юзасидан ўқув қўлланмалари ва адабиётлар билан таъминлаб, услубий-ўқув хоналарини жиҳозлашда амалий ёрдам кўрсатади.

Ана шу мақсадларда бошқарма томонидан маҳаллаларнинг иш билан банд бўлмаган аҳолиси учун амалий кўча-ўқув автобуси ва «050-қутқарувчи» машинаси ҳамда қутқарувчилар жамоаси ажратилган.

Ўткир САИДОВ,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси
матбуот маркази раҳбари,
Бехзод ШУКУРОВ,
журналист.
СУРАТЛАРДА: шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари маҳаллаларда ўқув машғулотларини ўтказмоқда.

• ТАНЛОВЛАР

Ғолиблар муносиб тақдирланди

Мамлакатимизда ҳар йили мунтазам ўтказиб келинаётган «Нихол», «Олтин хумо», «Офарин», «Ўзбекистон — Ватаним маним» каби танловлар ёш овозлар, истеъодли хонандаларни кашф этишда катта кўмак бермоқда.

Илгари хабар берилганидек, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзтеледиокорпорацияси, Ўзбекистон Ёзувчилар ҳамда Бастакорлар уюшмалари ҳамкорлигида Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб «Туркистон» саройида бир неча кун давом этган «Азиз она юртим наволари» миллий эстрада кўшиқлари кўрик-танлови ниҳоясига етиб, ғолиблар аниқланди. Мазкур танловнинг республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридан етмишдан ортиқ ёш хонандалар иштирок этдилар.

Танлов шартларига кўра биринчи ўрин Ўзбекистон Давлат консерваториясининг талабаси Г. Мамазоитовага насиб этди. 2-ўрин эса «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Навойи ви-

лоят бўлимининг хонандаси Ж. Тулағановага ҳамда Маннон Ҳайру номидаги санъат институтининг талабаси Д. Мирзахўжаевага, 3-ўрин эса Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабалари Л. Аҳмедова, О. Абдугаппорова ва Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг талабаси З. Қўчқоровга насиб этди. Ғолибларга диплом, пул мукофотлари ва «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг бир йиллик бепул имтиёзли рухсатнома (лицензия)си топширилди. Шунингдек, танлов ғолиблари рағбатлантирувчи диплом билан, таниқли бастакорлар Д. Илёсов ва А. Расулов Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг совғалари билан тақдирландилар.

Дилором ИКРОМОВА

• ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг роли ошиб бораётганлиги қувонарлидир. Шунингдек, айни пайтда уларнинг сони кундан кунга кўпайиб бормоқдаки, бу ўз-ўзидан жамият аъзоларининг қайсидир маънода эҳтиёжларини белгилайди.

Университетда FM
радиоси

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Акмал Икромов туман кенгаши ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг бошланғич таълимоти ҳамкорлигида университетда «Камолот FM» радиоси ташкил қилинди.

Ушбу «Камолот FM» радиоси университетда бўладиган янгиликлар, ёшларни қизиқтирган саволлар, қизикарли ўйинлар билан муҳлислари эътиборини қозонишга ҳаракат қилмоқда.

Бу борада изланувчан, интилувчан бошловчи ёшларга омадлар тилаймиз.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Мадбирлар

МЕНИНГ
МАҲАЛЛАМ

Обод маҳалла йили муносабати билан жойларда турли тадбирлар, учрашув ва анжуманлар ташкил қилиниши халқимизда бу кўркем масканга ўзгача меҳр уйғотмоқда. «Менинг маҳаллам» деб номланган тадбир ҳам Юнусобод туманида жойлашган 97-мактабда бўлиб ўтди.

Юнусобод туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг туман бўлими ходимлари ҳамда туман маҳаллалари оқсоқоллари иштирокида бўлиб ўтган тадбирда ижро этилган куй-кўшиқлар меҳмонлар кайфиятига кўтаринкилик бағишлади.

Фозила ТОШПЎЛОВА

ҲУҚУҚИНГИЗНИ
БИЛАСИЗМИ?

Инсон ўз ҳақ-ҳуқуқлари нималардан иборат эканлигини чуқур англаб етса, жамиятда ҳеч қачон қоқилмайди. Ҳуқуқ ва бурч тушунчаларини яхши ўзлаштирган ҳар қандай шахс демакки, ўзгалар ҳуқуқларини ҳам ҳурмат қилади, кадрлайди.

«Маънавият ва маърифат» марказининг Собир Раҳимов туман бўлими ташаббуси билан туманда жойлашган бош кийимлар фабрикасида «Ҳуқуқий онг ва келажақ авлод маънавияти» мавзусида тадбир ўтказилди.

Унда иштирок этган Тошкент Давлат юридик институти доценти Муҳаббат Мамажоновна мамлакатимиз қонунларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, бош қомусимиз Конституцияда белгиланган қоидаларга риоя этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбирда қатнашган корхона ишчи ва хизматчилари ҳам ўз мулоҳазаларини баён этдилар.

Фойдали
УЧРАШУВ

Ҳамза тумани ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод» жамғармасининг туман бўлими, «ЭКОСАН» жамғармасининг туман бўлими ҳамда туман вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими ҳамкорликларида йиғилиш бўлиб ўтди.

Туманининг вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича бўлими ҳисоботига бағишланган ушбу йиғилишда туман ҳокимининг ўринбосари Шавкат Жавлонов, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими раҳбари Озод Шоумаров, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Гулрух Аъзамова, туман прокуратурасидан Мая Салимова, туман ички ишлар бўлимининг Эргаш Эркаевлар вояга етмаганлар, ўсмир ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш ишлари бу борада юзага келган кўрсаткичлар ҳусусида ушбу бўлимининг берган ҳисоботи бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шунингдек, йиғилганлар ушбу йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан ўз талаб ва тақлифларини билдирди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Сериалга асос қилиб олинган мавзу ҳам, уни суратга олган ижодкорлар ҳам, ролларни ижро этган актёрлар ҳам ўз ўрнида танланган.

Актёрларнинг хатти-ҳаракатлари, шодлиги, дарди, меҳнати, одамийлиги ва камтаринлиги шундай маҳорат билан ишонарли талқин этилганки, ҳар бир томошабин уни ҳаяжонланмасдан кўра олмайди.

Сериалдаги бош қаҳрамон—Ошин япон аёлларининг оғир ҳаёти, меҳнат-машаққатларини жуда ёрқин сахналарда кўрсатиб бера олган. Ундаги тиришқоқлик, сабру бардош, чидам, ўта камтарлик, ботиний гурур, аёллик нафосати, нозиклик, муомала маданиятини бошқа сериалларда учратиш қийин ёки жуда кам учратамиз.

Ошин образи бизнинг ўзбек хотин-қизларига хос хислатларни намоён қилиши билан ҳам юрагимизга жуда яқиндир.

«Бир кун туз ичган чикага қирк кун салом бериш керак», — деганларидек, Кагайоларнинг ҳурмати учун ўз севгисидан, бахтидан воз кечиши, умр йўлдошига содиқлик ҳатто Ризонинг руҳи олдида қарздорман, деб сизгиниши, қанча зулм кўрса ҳам, қайнона, қайночасини ҳурмат билан тилга олиши, олижаноблиги, етим-парварлиги билан ҳам ўзбек аёлларига жуда ўхшаб кетади.

Ошинга бўлган меҳру муҳаббатимиз яна ҳам ортади.

Мен келин-куёв кўрган кекса она, қай-

нонаман. Ҳеч қимдан хижолат бўлмай, бемалол айта оламаники, мен шу ёшимда Ошиндан кўп нарсаларни ўзимга ибрат деб сингирдим.

Ўрни келса, ўз боласидан ҳам, келинидан ҳам, қудалари, набираларидан ҳам кечирим сўрашни ор деб билмаган.

«Ўлдим-қуйдим, ишқингда адо бўлдим», — деган яланғоч севиғи изҳорлари-ю, вақти келса уларнинг ҳеч қандай қадри йўқлиги исботлангани сериалнинг аҳамиятини янада оқсакликка кўтарди.

Хуллас, сериалдаги кечмиш-кечирмиш воқеаларидан етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган одамлар ўзларига яраша ибрат олсалар арзийди.

Камтарликнинг қамолга етказишини, узр ва кечирим киши қадрини оширишини, мулойимлик ва меҳрибонлик одамга соғлиқ-саломатлик, хотиржамлик бахш этишини Ошин образи яна бир марта исботлади.

Келинларга хос ибод, ҳаё, зийраклик, чаққонлик, қайнона, қайнотага ҳурмат-эҳтиром каби олижаноб фазилатларни бизнинг ёш келинларимиз, қизларимиз ҳам ўзларига олсалар, жуда саз бўларди.

Ҳаёт мамнулик ва миннадорчилик билан қунчиқар мамлақати — Япония кино ижод-

корларига, актёрларига, шу билан бирга, сахна ортидаги заҳматқаш инсонлар — дубляж артистларига, сахна устали-ю, техник ходимларнинг барча-барчасига ҳамма газетхонлар ва сериал муҳлисларига ўзбекча «катта раҳмат», японча эҳтиромли «таъзим» қиламан.

Машрабхон ЖУВОНМАРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

• МУНОСАБАТ

Олижаноб
фазилатлар
улуғланади

Яқинда Япония кино ижодкорлари томонидан суратга олиниб, ўзбек кино муҳлисларига тақдим этилган «Ошин» телесериалини оиламиз билан қизиқиб томоша қилдик.

ни, ўзига қилинган кичик бир мурувватни ҳам ҳеч қачон унутмаслиги, оғир қийинчиликларни бошидан кечириб турганда ҳам тушунлиқка тушмаслиги бу образнинг ниҳоятда тўлақонли, ибрат бўла оларли даражада мукамаллигидан далолат беради.

Яна бу сериалдаги ёшларга ибрат бўларли томонлардан бири — севиғи, садоқатнинг пинҳоналиги, ўқтам нигоҳлар орқали кўрсатилишидир.


• САНЪАТ

Санъат — инсоннинг руҳий камолотига маънавий озиқ берувчи илоҳий қудрат. Турли миллатлар ўртасидаги ўзаро маданий-маърифий алоқаларнинг ривож топишида санъатнинг ўрни каттадир. Санъат тил, миллат, вақт, макон танламайди. Ҳақиқий ижро этилган куй ёки кўшиқ дилдан чиқадиган калбага йўл топа олади.

Истиқболли
ҳамкорлик

Яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясига Парижнинг Сарбонна университети раҳбари ва вақилари ташиф буюришиди. Меҳмонлар консерваториянинг талаба ёшлари билан ташкил этилган сўхбатда франциялик санъатсеварларнинг ўзбек анъанавий музыка санъатига бўлган қизиқишлари катта эканлигини таъкидлашди. Франциялик меҳмонларга махсус тайёрланган концерт дастури намойиш этилди. Концертада Ўзбекистон Давлат консерваториясининг музыкали театр-студияси симфоник оркестри М. Тожевнинг «Байрам увертюраси»ни, Дилнур Мирзақулова анъанавий ижрочилик кафедрасининг Фахриддин Содиқов номидаги чолғучилар ансамбли жўрлигида «Фарғоначи Шахноз»ни, дуторда Улугбек Юнусов ўзбек халқ музыкаларидан «Қушторни ва танбурда Шухрат Холхужаев «Тановар» каби халқ музыкаларини мароқ билан ижро этдилар. Шу билан бирга Италияда ўтказилган паниночлар Халқаро танловининг «Гран при» ва биринчи ўрин совриндори, Ўзбекистон Давлат консерваторияси қошидаги В. Успенский номи музыка мактаб-интернатининг 5-синф ўқувчиси Тамилла Салимова ва Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиаси совриндори ва Халқаро паниночлар танлови совриндори Гулрух Шокирваларнинг ижроларини меҳмонлар ҳаяжон билан тинглади. Келгусида француз ва ўзбек санъаткорларининг ўзаро ижодий учрашувининг Парижда ўтказилиши белгиланди.

Соҳиба УМАРОВА



Ушбу суратда талабалар учун замонавий жиҳозлар ўрнатилган махсус ўқув хоналарида дарслар янада қизиқарли ўтмоқда.

• АНЖУМАНЛАР

Аёллар соғлигини мустаҳкамлаш ва оиланинг тиббий маданият даражасини ошириш, пировард натижада соғлом авлодни қамол топтириш давлатимизнинг устувор йўналишларидан саналади.

АЁЛ САЛОМАТЛИГИ — СОГЛОМ ОИЛА ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 32-сонли ва 2002 йил 5 июлдаги «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 242-сонли қарорлари шу мақсадга йўналтирилган.

Ҳозирги кунда ўқув муассасаларида юқори синф ўқувчилари учун соғлом оила ва никоҳ, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари бўйича мутахассис ва тиббий ходимлар томонидан ўтказилган факультатив дарслар киритилган.

Ҳамза туманида соғлом оилаларни шакллантириш, оналар ва болалар саломатлик даражасини яхшилаш ва уларнинг тиббий саводхонлигини оширишга қаратилган бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ҳамза тумани хотин-қизлар кўмитаси ва туман ҳудудий тиббиёт бirlашмаси ҳамкорлигида туман ҳокимлигида яқинда «Аёл саломатлиги — соғлом оила гарови» мавзусида илмий — амалий конференция бўлиб ўтди. Унда аёллар ва болалар ўртасида учрайдиган камқонлик касаллигини оли-

дини олишнинг замонавий усуллари, қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳларнинг олдини олиш, туғилишлар ўртасида мақбул ораликқа риоя қилиш, болаларни кўкрак сути билан боқилишнинг афзалликлари, абортнинг аёллар организмга ноҳўя таъсири, иситалмаган ҳомиланинг олдини олишнинг замонавий усуллари ҳусусида сўз борди.

Тадбирда тумандаги тиббиёт ва ўқув муассасаларининг раҳбарлари ва ходимлари, маҳалла хотин-қизлар кўмиталари раислари ва фаоллари иштирок этдилар. Йиғилишда сўзга чиққанлар соғлом фарзандлар туғилишида она соғлигининг бениҳоя муҳимлиги ҳақида тўхталиб, бунга эришиш йўлида оилаларнинг тиббий маданиятини янада ошириш, жамиятда ва оилада соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан эканлигига ургу беришди. Бундай тадбирлар барча маҳалла ва муассасаларда ўтказилиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Анжуман сўнггида тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Гавҳар АЛИМОВА,
Ҳамза туман ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофазаси килиш мажмуасининг бош мутахассиси.

Шарқ дурдоналари

**ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА
ДОНО БЎЛАДИ...**

● Камтарлик кишининг зебу зийнатиدير. Кимки соддаликда, ўзини туга билишда, кишиларга хурмат-иззат кўрсатишда, покизалик ва қаноат бобида юксак ахлоқлилик кўрсатса, у одам камтариндир. Бундай фазилатли кишиларга ҳамма эргашади ва тавозе қилади.

● Мартабанг баланд бўлишини тиласанг, камтар бўл, барчани ўз ҳимматингдан баҳраманд эт. Биласанку, уруғ олдин тупроққа аралашиб, сўнг осмону фалакка буй чўзади.

● Хар бир ишни тантанавозлик билан бошлаб, унинг хотимаси яхши бўлса, шод-хуррамлик ва тантана очмайди.

● Бир дошишманд ўлгиға насиҳат қилиб айтиди:

— Дунё кезиб, яхши-ёмонни кўриб, илм-фанларни билиб олганда ҳам доно «Мен илмда зўрман», деб керилмайди, мақтан-чоқлик нодонларга хос одатдир. Дононинг зийнати — камтарлик, нодоннинг иллоти — манманлик. Зағизгон қуш хар қанча баланд учгани билан лочин бўлмайди, зеро, олтин коса сингани билан баҳоси камаймайди.

ХИКОЯТ. Сойда тик ўсган қамиш олтин буғдойзорга қараб гап қотди:

— Хой, бошоқ, ўзинг тилладек ярқоксану, нега энди бош эгиб урасан?

— Хизматдаман, — деди олтин бошоқ, — бошимда эл дони бор...

Хаммасини кузда кўрамыз. Куз келиб одамлар бошоқдан дон тайёрлаб кўзга сурдилар, кеккайган қамишдан бўйра ясадилар.

Байт:
Димогингни кўтарма,
бўлмайин десанг оёқости,
Қамиш кеккайгани учун
бўйра бўлди-ю, ҳамма босди.

● Тил ботирлиги панд едирди, мехнатга ўрганган ботир кўл доим қант едирди.

● Кўшинг, қариндошинга ёмон гап айтиб, кўнглини қолдирма, тонали кунда, бошингга иш тушганда бўйнинг ҳам бўлади.

● Тўғрисўз эгри қулоқларга ёқмайди, аммо, тўғри ишлар қилишга юксак ёрдам беради.

● Тўти хар қанча кўп гапирса ҳам, уни ҳеч ким одам демайди, чунки, у бировдан эшитганини такрорлайди.

● Дили пок, нияти холис одам рост сўзлайди — сўзи пок бўлади.

● Тўғрисўз одам бежавотир яшайди.

ХИКОЯТ. Бир даврада тил шундай кўп вайсадики, бош чидолмай унга шикоят қилди:

— Намунча эзмаланмасанг, ахир ўйласангчи, эзмаланиб-эзмаланиб сен оғизга кириб кетасану, мен касофатингга қоламан, маломат тошлари менга тегади.

— Э, аҳмоқ бош, — деди тил. — Сен ўзинг ўйламасдан мени гапиртирасан, уялганимдан оғизга кириб яширинаманда.

Байт:
Тил илдамидин бўлур
гармат ҳосил,
Юз навъ маломату,
надомат ҳосил.

● Яхшиликка хар ким ҳам яхшилик қила олади, ёмонликка эса яхшилик қилиш фақат чин инсоннинг кўлидан келади.

«NESTLE» маслаҳатлари

Яккасарой тумани хотин-қизлар кўмитаси «NESTLE» фирмаси билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш мақсадида тадбир ташкил этишди.

Унда «NESTLE» фирмасининг малакали мутахассислари тиббий маданият, тўғри овқатланиш шарт-шароитлари, ўсиб келаётган болаларни гигиена қоидаларига риоя қилган ҳолда овқатлантириш, чақалоқларга неча ойлигида қандай дармондорили овқатлар бериш каби зарур масалаларни туман хотин-қизларига алоҳида тушунтириб ўтишди.

Бу борада иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутахассисларга мурожаат қилишиб, тегишли жавоблар олишди.

Орзигул РУСТАМОВА



Шаҳримизнинг хушманзара гўшалари.

— **Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 январдаги «Ўзбекистон Республикасида одамлар ва ҳайвонларнинг кутуриш касаллигига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 32-сонли қарори билан тасдиқланган «Аҳоли яшаш жойларида ит, мушук ва бошқа ҳайвонларни сақлаш қоидалари» қандай бажарилмоқда?**

— Очиги, бу борада ҳали амалга оширилмаган ишлар кўп. Бунинг мисоли сифатида пойтахтимизда саёқ юрадиган итлар сони тобора кўпайиб бораётганини айтишимиз мумкин. Бу эса аҳолининг ҳақли шикоятларига сабаб бўлмоқда, чунки саёқ ёки қаровсиз итлар кутуриш касаллигини тарқатувчи асосий манба ҳисобланади. Шу ўринда ит ва бошқа уй ҳайвонларининг, шунингдек, ёввойи ҳайвонларнинг тишлаши нима учун хавфли деган савол туғилиши тавба. Биринчидан, тишлаган ҳайвон узок вақт доволиниш керак бўладиган жароҳат қолдиради. Иккинчидан, у кишини шубҳасиз ўлимга олиб борувчи кутуриш касаллиги вирусини (кўзгатувчиси)ни юктириши мумкин. Кутуриш касаллигига чаплинган одам ёки ҳайвонга даво бўладиган дориини тиббиёт фани ҳозиргача толгани йўқ.

Тошкент шаҳрида 1996 йили 30 та, 1997 йили 15 та, 1998 йили 1 та, 2000 йили 4 та дайди итларда кутуриш касаллиги қайд этилган, улардан жабр кўрган ва ўз вақтида антирабик давосини олмаган ёхуд кечиктириб олиб, тиббиёт талабларига риоя қилмаган фуқаролардан 1996 йили 8 нафари, 1997 йили 1 таси ҳаётдан кўз юмди.

Ушбу воқеаларнинг қайтарилмаслиги учун итлардаги кутуриш касаллигининг белгиларини билиб қўйиш фойдадан ҳоли бўлмайди, деб ўйлайман. Бу айниқса уй ҳайвонларини боқишчи яхши кўрадиган одамлар учун фойдали ва керакдир. Итларда кутуриш касаллиги уларнинг безовта бўлиши, ваҳийлашиб кетиши ёки фалажланиши куринишларида намоен бўлади. Касаллик одатда 3-6 кун довом этиб, ўлим билан тугайди.

Кутурган ит ўз эгасига нисбатан одатдан ташқари эркалланадиган ва кўрқок, айни вақтда сержаҳл бўлиб қолади. Бу даврда у ёруғликдан қўрқади, ўзини нуқул қоронги жойларга уради. У тишлай ўрнига гижинади ва увиллаб бошлайди. Ютиш мушаклари фалажлангандан овози бўғилиб чиқади, одамларга вовуламасдан ташланиб, жароҳат етказидаи.

Кутуришининг бошқа турда ит у ёқдан бу ёққа югуради, худди пашша тутаетгандек тумшугини осмонга кўтариб хаво ютади, агар боғловда бўлса, занжирини узишга ҳаракат қилади. Бўшалиб кетса, ўзи яшаган уйдан қочиб бир неча ўнлаб километр масофани бир кенчада югуриб босади, йўлда учраган одамларга ва ҳайвонларга индамасдан ташланиб, бўйиндан қопишга ҳаракат қилади ва жароҳат етказидаи, ҳатто еб бўлмайидиган нарсаларни ҳам ютаверади. Агар ит қафасда бўлса, у гардиқалпак бўлиб айланади, тишлари билан тағига тўшалган нарсаларни, идишларни ва қафас панжараларини ғажий бошлайди.

— **Кутуриш касаллигининг асосий белгилари нималарда кўринади?**

— Бу даврда итда қайт қилиш ҳолати кузатилади ва оғзидан кўп сўлак оқади. Итинг кейинги оёқлари, ютиш мушаклари, сўнгра эса бўйин ва олдинги оёқлари фалажланади. Кўзлари ёниб туради, кўпича қилга бўлиб қолади. Овқат ейишга қийналиб, лукмани юта олмайдди. Ит эгаси эса билмасдан унинг томоғига бирор нарса тикилиб қолгандир, деб ўйлаб, қўларини итинг оғзига тикади-да, ўзига кутуриш вирусини юктиради.

— **Кутуриш касаллигини юктирмаслик учун нималарга эътибор бериш лозим?**

— «Аҳоли яшаш жойларида ит, мушук ва бошқа ҳайвонларни сақлаш қоидалари»га риоя қилиш керак. Қоидага кўра кўп қаватли уйлارнинг алоҳида хонадонидида майдончадаги ён қўшилларнинг розилиги билан, хусусий хонадонларда эса боғланган ҳолда битта ит ва битта мушук боқишга рўхсат этилади.

Ит харид қилиб олганда ёки янги жойга кўчиб келганда етти кун ичида итни рўйхатдан ўтказиш зарур. Фуқаролар ит рўйхатдан ўтказилганлиги (хар йили қайта рўйхатдан ўтказилади) ҳақидаги маълумотномани ҳамда итнинг соғлигини текшириш ва кутуришга қарши мажбурий эмлаш учун худудий Давлат ветеринария бўлимига олиб келишга мажбурдирлар.

Уй ҳайвонларининг эгалари ҳайвонларни умумий фойдаланиш жойларини (зинапо майдончалари, йўлаклар ва турар жойлар атрофини) ифлос қилишига йўл қўймаглиги зарур.

Итлар турар-жойлар, алоҳида ажратилган бинолар ва худудлардан умумий ҳов-

Республика худудидаги барча итлар, улар кимга қаршилигидан қатъи назар, зарур ҳолларда эса мушуклар ҳам, кутуришининг олдини қилиш учун кутуришга қарши вакцина қўллаш бўйича йўриқномада кўзда тутилган тартибда касалликнинг олдини оловчи ана шу вакцина билан эмланиши шарт.

Ит, мушук ва бошқа йиртқич ҳайвонларни сотиб олиш, сотиш, олиб келиш ва олиб кетишга рўйхатга олиш гувоҳномаси ва ҳайвоннинг соғлиги тўғрисида ветеринария хужжатлари булган тақдирда йўл қўйилмади.

— **Кутуриш касаллигининг олдини олиш учун ҳозирги кунда нималарга эътибор бериш керак?**

— Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Давлат ветеринария Бош бошқармаси томонидан 1998 йил 28 августда тасдиқланган «Кутуриш касаллигига қарши кураш тадбирлари ҳақида қўлланма» талаблари бажарилишига тўла риоя этиш лозим. Бунга уч йўналишда эришилади.

Биринчиси, юқорида кўриб чиқилган ит эгалари Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 32-сонли қарори билан тасдиқланган «Аҳоли яшаш жойларида ит, мушук ва бошқа ҳайвонларни сақлаш қоидалари»га қатъий риоя қилишлари шарт. Шаҳарда ушбу қарор ижросини уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи боқаршиш органлари назорат остига олиши юқлатилган.

Қоидаларни бузган фуқароларга жарима солинади, қонда такорран бузилган тақдирда эса, агар у жинойи жавобгарликка олиб келмаса, уларнинг ҳайвонлари олиб қўйилади.

Иккинчиси, шаҳарда дайди, саёқ ва қаровсиз итларни тутиб, йўқотиш борасида «Махсус механизациялаштирилган отряд» фаолияти мумим ўрин тутайди. Отряд таркибиде 11 та махсус ит тутиш бригадалари, автоулов фаолият кўрсатиб, 2002 йил мобайнида отряд томонидан 4781 та дайди итлар тутилиб йўқотилган.

Шунингдек, фуқаролар кўчаларда, даҳа ва мавзёларда эгасиз, қаровсиз ит, мушукларнинг пайдо бўлишига йўл қўймакликларни, дайди ит, мушуклар пайдо бўлса, ит тутиш билан шуғулланадиган «Махсус механизациялаштирилган отряд»га мурожаат қилсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Маълумот учун марказий диспетчер хизматининг телефон рақамлари қуйидагича: 133-44-44, 133-55-55.

Учинчиси, шаҳардаги аҳоли томонидан сақланаётган мажбур итларни хар йили рўйхатга олиб, рўйхатдан ўтказилган итларни хар йили кутуриш касаллигига қарши махсус профилактик эмлаш тадбирларини ўтказиш, касаллик қайд қилинганда ветеринария бўлими, санитария-эпидемиология назорат маркази ходимлари билан ҳамкорликда тегишли чораларни кечиктирмасдан кўриш, жумладан, жабрланган фуқароларга зудлик билан тиббиёт ёрдами кўрсатиш ва карантин-чеклов талабларига риоя қилиш асосий ўрин тутайди.

Тошкент шаҳар Давлат ветеринария бошқармаси таркибидеги туман Давлат ветеринария бўлими ходимлари томонидан, шаҳар ҳокимлигининг яқка тартибдаги иморатларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш бошқармасининг 2002 йил маълумотига биноан январь ойида 160446 та хусусий хонадонлар, 414024 та кўп қаватли уйлар кварталлари ва 1974 та ташиқлотлар ветеринария-санитария кўригидан ўтказилиб, уларда 58061 та ит ва 9882 та мушуклар мавжудлиги аниқланди ва йил давомида 71174 та итлар кутуриш касаллигига қарши эмланди.

Ушбу тадбирларнинг тўлиқ қамраб олинган ҳолда ўтказилиши натижасида 2002 йилда шаҳар худудида кутуриш касаллиги қайд қилинмади.

• БУ ҲАҚДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

**ЭЪТИЁТ БЎЛИНГ —
ХОВФЛИ КССОЛЛИК**

Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳрида кутуриш касаллиги бўйича эпизоотик ва эпидемик вазият бирмунча мураккаб бўлиб, бундай ҳолат ит, мушук боқувчи фуқароларнинг лоқайдлиги, бундай ҳайвонлар билан муомала қилиш қоидаларини билмасликлари ёки риоя этмасликлари оқибатда келиб чиқмоқда. Айниқса, бу борада кўп қаватли уйларидаги аҳвол ачинарлидир. Шунинг эътиборга олиб муҳбиримиз Тошкент шаҳар Давлат ветеринария бошқармасининг бошлиғи Ш. ШАКАРОВГА бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

лига, кўчага фақат қалта бўйинбоғларда (йирк ҳайвонларни тумшукбоғларда) фуқароларнинг хавфсизлиги албатта таъминланган ҳолда олиб чиқилиши лозим.

Уй ҳайвонларини кўчаларда, маданият ва истироҳат боғларида, кўкalamзорларда сайр қилдириш ва боқиш таъқиқланади.

Ҳайвонлар болалар муассасаларининг зоология бурчакларида санитария-эпидемиология ва ветеринария хизматларининг руҳсати билан сақланади.

Мақтабларда, мақтабгача болалар муассасаларида, шунингдек, тиббиёт муассасаларида кўриқчи итларни сақлаш таъқиқланади.

Ит, мушук ва бошқа уй ҳайвонларини умумий овқатланиш корхоналарида сақлаш, уларни озиқ-овқат заллари, савдо ва ишлаб чиқариш задаларига олиб кириш таъқиқланади.

Ит одамларни ёки ҳайвонларни тишлаган тақдирда уни дарҳол текшириш ва 10 кун муддатга алоҳида карантинга ажратиш бўйича унинг ветеринария бўлимига олиб келиш, ҳамда итнинг соғлиги тўғрисида биринчи ва такрорий ветеринария кўриги ҳақидаги маълумотномани жабрланган шахсга топшириш лозим.

Жароҳат олган фуқаролар зудлик билан тиббиёт муассасасининг жарроҳлик бўлимига кутуриш касаллигига қарши антирабик ёрдам олиш учун мурожаат қилишлари керак.

Тўтиб олинган зотли итлар 5 кун мобайнида ит тутиш хизматларида сақланади ва ит эгаси мана шу кўнлари мурожаат қилган ва итнинг уники эканлиги (рўйхатга олиш) гувоҳномаси, ветеринария гувоҳномаси) ва сақлаш ҳаражатлари тўланганлиги тасдиқланган тақдирда эгасига қайтариллиши мумкин.

Касал ва керак бўлмаган ҳайвонлар ит тутиш ҳўжалиқларига топширилиши керак.

«02» ҳодисалар

Жиноят жазосиз қолмайди

◆ Чилонзор туманидан тушган хабарга кўра, 1986 йилда туғилган А. Зиёева ўзидан беш ёш кичик бўлган Ҳамидовани куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб, қулоғидаги сариқ металлдан ясалган сиргасини тортиб олиб қочиб кетган.

◆ 1982 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган А. Олимов эса «Чорсу» бозорида қаровис қолдирилган, бегона шахсга тегишли бўлган «Тико» русумли автоуловни ҳайдаб қочиб кетаётган вақтда қўлга олинган.

◆ Эндигина 21 баҳорни қаршилаган Шаҳзод дўстларидан бирининг туғилган кунини меъеридан ортиқ спиртли ичимлик истеъмол қилгани сабабли ўз хатти-ҳаракатларига жавоб беролмай қолган. Унинг дўстлари ҳам Шаҳзоддан қолишмайди. Шундай ҳолатда олти оғайни кимор ўйнашади. Шаҳзод ёнида йўқ бўлишига қарамай катта миқдорда пул ютқазиб қўяди. Эртаси кунни ўзига келгач, қандай воқеа содир бўлганини тушунади. Аммо...

Нима бўлганда ҳам йигитча дўстига ютқазган пуллари тўлаши керак эди. Шу сабабли у ўзига тегишли бўлган 1000 АҚШ доллари ни Андишон вилоятида яшовчи тadbirkорга сўмга алмаштириб, пуллари ҳисоб-китоб қилаётганда далилий ашё билан қўлга олинган.

Маълумки, ҳозирги вақтда республикамизнинг турли ҳудудларида валюта алмаштириш шохобчалари мавжуд. Шаҳзод шу шохобчалардан бирининг хизматидан фойдаланса ҳам бўларди-ку.

Энди эса йигитча қилмишлари сабабини «шайтон суви»да дея таъкидламоқда.

Хозирда унга нисбатан тергов жараёнлари давом этмоқда.

Адибахон ҒАЙРАТ
қизи.

• ГАБРОВО ХАНДАЛАРИ

— Мен узоқ мамлакатларга боришни ороу қиламан. Айтгандай, Европа бўйлаб саёҳат неча пул турар экан?
— Ҳеч қанча турмайди.
— Нега?!

— Дадамнинг ховчига сола қўлинг.
— Сен ёнғоқни ёмон кўрасанми?
— Йўқ, яхши кўраман. Лекин дадамнинг ховчи каттароқ-да...

Бир йигитча Габрово кўчаси бўйлаб, ёмғирлишни судраганича таралла-беод қилиб кетиб борарди.

— Эй, такасалтанг, тош йўлда ёмғирлиш судрашга бало борми? — деб бақаришди дўхонда ўтирганлар. — Ахир тош ҳам ейлади-да!

Габроволик ўз ўғли билан синглисиникига меҳмонга келди.
— Ховчингни оч, ёнғоқ берман — деди меҳмондўст уй бекаси болага.

Ўрмон қоровули габроволик қонда бузувчини ушлаб олди. Хўжат тузмоқчи эди, лекин у ялиниб-ёлворди, қоровулни хурсанд қилишини айтди.

Қўлни қўлга беришди. Кечкурун ўрмон қоровули габроволикнига меҳмон бўлиб келди. Ярим кечасигача еб-ичишди. Ниҳоят уй эгасининг тоқати тоқ бўлди.

— Менга қара, бошлик, агар яна қўлингга тушсам, яхшиши, хўжат тузиб қўя қол...

Омил МИРҚАМОЛОВ
тайёрлади.

• БИЛИБ ҚҲЙГАН ЯХШИ

Шўр балиқ фойдалими?

Сельдь балиғида лецитин ва йод бор. Бу эса атеросклерозда фойдалидир. Модомики шундай экан, юрак ва қон томирлари касалланган кишиларга нима учун сельдь балиғи ейиш буорилмайди? Масаллиқнинг қиймати ундаги 1 ёки 2 та фойдали моддага қараб эмас, балки масаллиқдаги барча таркибий қисмларни назарда тутиб баҳоланади. Сельдь балиғида лецитин ва йод билан бирга ош тузи жуда кўп. Сельдька ивителигандан кейин ҳам унда ош тузи анчагина қолади. Ош тузи қон босимини тартибга солишга зарарли таъсир этади, шишни қучайтиради. Шунинг учун ҳам атеросклерозда (айниқса, ҳал-

лослаш, баданга шиш келиш билан давом этганда), гипертония касаллиғида, юрак ва буйрак касаллиғида, юрак ва буйрак касаллиғида шиш келганда, сельдь ейиш маслаҳат қўримайди. Ҳафтада бир-икки марта тушлик оватдан олдин бирикми бўлак сельдька ва 100-150 грамм янги қовурилган сельдь ёб туриш зарар қилмайди.

Урта ёшлардаги ва кексаян кишилар айнқиқса иштаҳаси бўғилганда сельдин ивители, юкорид айтилган миқдорда ёб туриши мумкин. Шу билан бирга треска ва камбала балиқларини маринад шаклида ёки қайнатиб, ўсимлик мойи билан истеъмол қилиш ҳам тавсия этилади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Барча лобар қизлар диққатига! Пойтахтимиздаги Тошкент туризм касбхуна қоллежи ресторани ишлари, меҳмонхона хўжалиғи ва туризм соҳалари бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди. Коллежимизни битираётган ёшлар ҳозирда чет элларда хизмат қилмоқдалар.

Айни пайтда, «Қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш» махсус бир ойлик курслари ҳам ташкил этилмоқда. Курсларда ўринлар жуда чекланган, агарда шошилмасангиз армонда қоласиз. Зеро, қуйидаги йўналишларда энг гўзал, энг латофатли, энг пазанда қизлар ўқиб-ўрганишлари мумкин:

1. Оила психологияси.
2. Меҳмон кутиш нафосати.
3. Байрам дастурхонини тузатиш.

Ҳа, яна бир гап. Курсларда ҳафтасига тўрт кун ўқиш ва машғулотлар ўтказилиб, атиги 20 минг сўм бўлганда холос, ўйлаб кўринг, ўқиниши битирсангиз, пулингиз ўзингиз билан қайтади. Курсларга марҳамат, шошилиш!

Манзилимиз: Юнусобод тумани, 2-даҳа, А. Дониш кўчаси, 28-уй. Телефонлар: 24-79-52, 24-84-32.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

«Халқаро почтампт» ОТАЖ

2003 йил 14 март соат 10.00 да акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлисини ўтказди. Манзил: Тошкент шаҳри, Туркистон кўчаси, 4-бино. Акциядорлар рўйхати реестри 2003 йил 20 февралга қадар ёпилади. Рўйхатга олиш соат 9.00 дан бошланади

КУН ТАРТИБИ:

1. Кузатов Кенгаши давлат ишончли вакили ҳисоботи ва фаолияти тўғрисида.
2. Акциядорлик жамиятининг 2002 йилги хўжалик фаолияти натижалари ва 2003 йил вазифалари тўғрисида акциядорлик жамияти директорининг ҳисоботи.
3. Акциядорлик жамиятининг 2003 йил учун ишлаб чиқилган бизнес-режасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
4. Акциядорлик жамиятининг молиявий-хўжалик фаолиятининг 2002 йил иш якунлари балансини тасдиқлаш, аудиторлик текшируви хулосаси, тафтиш гуруҳи далолатномасини тасдиқлаш.
5. Соф фойда тақсимлишини тасдиқлаш.
6. Дивиденд тўлови тўғрисида.
7. 2003 йил учун аудиторни тасдиқлаш.
8. Акциядорлик жамияти Кузатов Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.
9. Акциядорлик жамияти директорини 1 йил муддатга ишга ёллаш бўйича шартнома тузиш (қайта тузиш).
10. Акциядорлик жамияти Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
11. Акциядорлик жамияти Низом жамғармасидаги давлат улуши тўғрисида.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги фармонига асосан АЖ ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш, низом жамғармалари ҳажмини Президент Фармонида кўрсатилган миқдорга келтириш ва қайта ташкил этиш тўғрисида.
13. Почта алоқаси соҳасига инвесторларни жалб қилиш тўғрисида.

АЖ Кузатов Кенгаши

«ФАРҲОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ»

оқиқ акциядорлик жамиятининг 2002 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2003 йил 6 март кунини соат 11.00 да ўтказиладиған акциядорлар умумий мажлиси кун тартибига киритилган қўшимча масалалар

1. Жамият бошқаруви раисини сайлаш ҳақида.
2. Жамиятнинг 2003 йилги иш режасини (бизнес-режа) тасдиқлаш ҳақида.
3. Жамиятнинг Низом жамғармасини ошириш ҳақида.
4. Жамиятнинг Низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида.
5. Жамиятнинг баланси:

Актив	Пассив
Асосий асоси қолдвни	Устав капитал
33790,3	30000,0
Экспирш	Заҳира капитал
11994,6	6381,5
Қўллик қиймат	Тавсияловмаган фойда
33790,3	8203,9
Капитал қиймати	Масъули молиялаштириш ва тушумлар
1129566,9	212485,0

Қарам ақшалар	хўжаликдаги	730,0	Қисқа муддатли банк кредитлари	912487,4
Илтиб чиларли заҳиралари		5560,0		
Стиб солиқдан товарлар		6120,3		
Келгуси давр сарфлари		129184,9		
Пул мабзаллари		1251,1		
Дебиторлар		59688,8	Кредиторлар	196325,4
Балансининг активи бўйича жами		1365883,2	Балансининг пассиви бўйича жами	1365883,2

Кузатов Кейгаши



Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиғи

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилмиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.
7587 нускада босилди. Қўғот биринчи А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чақайди.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўрағисига Юрқани билан рўйхатга олинган

Нашригга этиқазиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтампти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийг-матбоси акциядорлик компанияси босмақонани. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.